



ТИҚХММИ

Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини
Механизациялаш Муҳандислари Институти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
“Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари”
XX - ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий - амалий анжумани

ТОШКЕНТ 2021, 25-26 МАЙ

www.tiiame.uz @ilovetiiame @tiiame.uz @tiiameofficial @tiiameofficial 99-929-78-45

“ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги анъанавий XX - ёши
олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг илмий
- амалий анжумани

20

*XX - traditional Republic
scientific - practical conference of
young scientists, master students
and talented students under the
topic*

**“THE MODERN PROBLEMS OF
AGRICULTURE AND WATER
REOURCES”**

МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

I қисм

Тошкент – 2021 йил, 25 – 26 май

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”
*мавзусидаги анъанавий XX – ёши олимлар, магистрантлар ва иқтидорли
талабаларнинг илмий-амалий анжумани*

МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

/I-ҚИСМ/

ТОШКЕНТ – 2021

	Искандаров Ф.С. - магистр, ТИҚҲММИ Қарши филиали		
85.	Овлаёров С.Ғ., Собиров Э.С. - магистрантлар, ТИҚҲММИ Қарши филиали	Пахта далаларни пуштали экишга тайёлашда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш.	319
86.	Хайитов Б.К. - асистент, Овлаёров С.Ғ. - магистр, ТИҚҲММИ Қарши филиали	Сув ресурсларини тежовчи технологиилардан самарали фойдаланиш йўллари.	323
87.	Хуррамов М. - магистр, Мирзаев Б.С. - профессор, ТИҚҲММИ	Қашқадарё вилоятидаги сув ресурсларини масофадан мониторинг қилиш.	326
88.	Хуррамов М. - магистр, Мирзаев Б.С. - профессор, ТИҚҲММИ	Суғориш каналининг ҳолати ва сув исрофгарчилигини олдини олиш бўйича таклифлар.	330
89.	Abdullayeva S.A., Saksonov U.S. - magistrlar, TIQXMMI Buxoro filiali	Buxoro viloyati sharoitida turli soya navlarining suv almashinuv xususiyatlari.	335
90.	Saksonov U.S., Bo'riyev X. - magistrlar, TIQXMMI Buxoro filiali	Kuzgi bug'doyga resurs tejamkor sug'orish texnologiyalarini qo'llash.	339
91.	Исаев С.Х.-профессор, Акрамов Ф., Икрамов Р.- магистрлар, ТИҚҲММИ	Fўзани суғориша сувтежамкор технологиясининг ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига таъсири	343
92.	Исаев С.Х - профессор, Икрамов Р., Акрамов Ф. – магистрлар, ТИҚҲММИ	Кузги буғдой навларини суғориш тартибини ҳосилдорликга таъсири	349
93.	Ботиров Ш. - доцент Маматалиева М.И., Шарифов Ф.К., Исройлова М.Ф. - магистрлар, ТИҚҲММИ	Томчилатиб суғориш усулини қўллаш самарадорлиги	353
94.	Исаев С.Х. - профессор Собиров У., Акрамов Ф., Икрамов Р. - магистрлар, ТИҚҲММИ	Кузги буғдой навларини суғориш тартибини аниқлаш	357
95.	Исаев С.Х. - профессор Шарипова М.М., Самандаров С.С., Собиров Р. - магистрлар, ТИҚҲММИ	Такрорий мошнинг экиш муддатларининг дон ҳосилдорлигига таъсири	362
96.	Элибаева Н.Т. - магистр	Боғ ва токзорларда томчилатиб суғоришнининг афзалликлари	368
97.	Элибаева Н.Т. - магистр, Жураева Н.Х., ТИҚҲММИ	Эгатлаб ва томчилатиб суғоришни таққослаш	371
98.	Исаев С.Х - профессор, Юлдашев К.К., Ибрахимова К.К. - магистрлар, ТИҚҲММИ	Коллектор-зовур сувларини суғорма дехкончиликда фойдалани	375
99.	Хамидов М.Х. - профессор, Абдукаримов А.Б., Кенжаев Д.Ш., Назаров А.А., Абдукаримова З.А.- магистрлар, ТИҚҲММИ	Тошкент вилояти бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида ғўзани томчилатиб суғоришнинг аҳамияти.	379
100.	Хамидов М.Х. - профессор, Кенжаев Д.Ш., Абдукаримов А.Б., Назаров А.А., Исройлова М.Ф. - магистрлар, ТИҚҲММИ	Тошкент вилояти боғларида томчилатиб суғориш технологиясини қўллашнинг аҳамияти	387

Шундай экан, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг “Аср” ва “Дурдана” навларининг суғориш тартибларини дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсири аниқланди. З йил давомида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60 % вариантида кузги буғдойнинг “Аср” навида тажриба йилларига мутаносиб равиша 71.4; 71.8; 71.4 ва ўртacha уч йилда 71.4 ц/га ҳосил олинган бўлса, бу кўрсаткич назорат вариантида 56,6; 56,8; 56,4 ва ўртacha уч йилда 56,4 ц/га ни, кузги буғдойнинг “Дурдана” навида юкоридагиларга мос равиша 70,4; 74,2; 66,4 ва ўртacha уч йилда 70,4 ц/га, назорат вариантида 58,6; 58,0; 58,4 ва ўртacha уч йилда 58,6 ц/га ни ташкил этди.

Хулоса: Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида тақрорий экилган соя даласи фонида кузги буғдойнинг “Аср” навидан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун унинг суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тартибида 1-1-1 тизимда, $780 \text{ m}^3/\text{га}$ дан – $1040 \text{ m}^3/\text{га}$ меъёрда суғориш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Республика Президентининг 2015 йил 29 декбридаги ПҚ-2460 сонли “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори.
2. Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-4849 сонли фармони.
3. .Рахимбоев Ф.М., Кадиров Р.Н. Уманка навининг озиқлантириш ва суғориш меъёри”. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. Тошкент-2002. №2 45- б.
4. Исашов А. Кадиров Р.Н. Чиллаки навини озиқлантириш ва суғориш меъёрининг дон ва сомон ҳосилдорлигига таъсири. “АгроИлм” журнали. Тошкент-2009. №9 26-27- б.
5. Кадиров Р.Н. Влияние режима орошения на урожайность озимой пшеницы. Актуальные научные исследования в современном мире. Ж. Украина-2019. №10. С.36-40.

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Илмий раҳбар: Ботиров Ш.Ч. - доцент

Маматалиева М.И., Шарифов Ф.Қ., Истроилова М.Ф. - магистрлар (ТИҚҲММИ).

admin@tiiame.uz

Аннотация.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик суғориладиган майдонга эга мамлакат ҳисобланади. Яъни юртимиизда 4,3 миллион гектар ерда дехқончилик қилинади. Ушибу экин майдонларини суғориши, қолаверса, ичимлик эҳтиёжлари учун дарё ва кўлларнинг чучук сув ресурсларига боғланиб қолинган. Республикамиз эҳтиёжлари учун Орол дengизи минтақасидаги Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида ҳар йили шаклланадиган ўртacha 116 млрд.м^3 сув ресурсларининг $52-53 \text{ млрд.м}^3$ қисми ишлатилади. Бу ишлататайтган сувимизнинг 80 % бошқа давлатлардан келади. Шу сабабли Давлатимиз раҳбари Хоразм вилоятига ташрифи пайтида нафақат мазкур ҳудуд, балки бутун

мамлакатимиз учун долзарб бўлган сув таъминоти масаласига тўхталиб, “Сувнинг 1 литри эмас, 1 грамми ҳам ҳисобли бўлиши керак”, деб алоҳида таъкидлади.

Калит сўзлар: суғориш сувини иқтисод қилиш, томчилатиб суғориш (ТИС), кувур, томизғич, томчи, гравитация кучи, оқим, босим.

Кириш: Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 16 сентябрь куни сув хўжалигига тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида қўйидагиларни айтиб ўтди.

«Минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан йилга мураккаблашиб бормоқда. Охирги 10 йилда, мисол учун, Ўзбекистонда сув ҳажми 12 фоизга, ўтган йилгига нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайган.

Пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари ҳам кўп. Хусусан, 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилига 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланмоқда. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртacha 800 минг сўм харажат қилингани. Эгатлаб суғориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланмоқда [1].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики суғориш суви Ўзбекистон учун муҳим рол ўйнайди. Яни асосий сув манбалари ташқаридан келганлигини ва ўтган йилга нисбатан эса бу йил 15 фоизга камайганлигини инобатга оладиган бўлсак ҳар бир литр сувни тежаб тергаб фойдаланишимиз лозим.

Муаммонинг қўйилиши: Республикаизда хозирги вақтда суғориш сувини иқтисод қилиш мақсадида кўпроқ томчилатиб суғориш усулига кўпроқ этибор қаратилмоқда, шу ўринда савол туғилади ўзи бу усул қандай амалга оширилади ва бошқа усуллардан қандай афзалликлари мавжуд.

Тадқиқот Услуби: Томчилатиб суғориш ўсимлик илдиз қатлами устига ўсимликнинг сувга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда, сувни керакли ҳажмда вақти-вақти билан беришдир. Томчилатиб суғориш ТИС нинг маҳсус кўриниши бўлиб, бунда суғориш суви қувурлар орқали ўтиб, маҳсус томизғичлардан ўта кичик оқим ёки томчи кўринишида тупроқ устидан ўсимликнинг илдиз қатламига узатилади.

Ўсимлик илдиз усти қатламини намлантириш нуқталарининг сони олдиндан белгиланмайди, улар тупроқ хили ва қишлоқ хўжалик экинларининг турига қараб белгиланилади. Бу усулда суғориш суви барча ўсимликларга бир текис тақсимланади. Нуқтали ҳисобланмиш намлантиргичлардан томчи кўринишдаги ўсимлик илдиз қатламига берилган сув капилляр принципида тупроқ қатламига сингиб боради, бунда гравитация кучининг таъсири қарийб сезилмайди. Томчилатиб намлатгич ўчогида тупроқни намлантириш даражаси намлантириш майдони бўйича нотекисдир, сув томчиси тушган нуқтада сув босим градиенти унчалик катта бўлмайди, бу намланиш ўчогининг кенгайиши билан ортиб боради.

Томчилатиб суғоришда ўсимликнинг илдиз тизими бошқа суғориш усулларига нисбатан яхши ривожланади. Намлантириш ўчоғи олдида илдизлар қалин бўлади. Агар томчилатиб суғориладиган экинларда бошқа суғориш усули қўлланилса, ўсимлик илдизи

бу усулга тез мослашади. Бу усулда сув билан биргаликда минерал ўғитлар эритилган холда тупроққа бериш мүмкін.

Минерал ўғитларни суғориш суви билан эриган холда қўллаш, азотли ўғитларни 44-57 фоизга тежаш имкониятини берилиши аниқланган.

Томчилатиб сугории усулининг имкониятлари:


-ўсимлик илдиз қатламининг фаол ривожланиши ва тупроқда ҳавонинг яхши алмашинуви ҳисобига озуқа моддаларнинг ўсимлик томонидан тез ва жадал ўзлаштирилиши;

-экин даласида экинларга дала ишлов ишларининг олиб борилишидан қатъий назар, куннинг исталган вақтида суғоришнинг амалга оширилиши;

-қатор оралиғи тупроғининг сугорилмай қолиши ҳисобига тупроқ донадорлигига путур етказмасдан, исталган вақтда тупроққа ва ўсимликка ишлов бериш ва ҳосил йиғиш имкониятининг мавжудлиги.

Демак юқоридаги маълумотлар эътибор берадиган бўлсак томчилатиб сугориша суғориш сувидан ташқари минерал ўғитларни суғориш суви билан эриган холда қўллаш орқали азотли ўғитларни 44-57 фоизи иқтисод қилинишини тахлил қилсак ҳар бир гектарга ортиқча сарф харажат қилинишининг олдининг олиниши, тупроқ қатламида ортиқча туз тупланмаслиги ҳисобига ерларнинг мелиоратив ҳолати бузилмасли ҳамда бу усулда гравитация кучининг йўқлиги ҳисобига тупроқ механик таркиби бузилмаганлиги ҳисобига қатор ораларини ортиқча маблағ сарфлаб юмшатишга хожат қолмайди демак бу ўз ўзидан дехқон етиштираётган махсулоти таннархининг тушишига ва дехқон кўпроқ фойда олишига имкон яратилар экан. Дехқон қанчалик яхши самарадорликка эришса шунча ишини ривожлантиришга ҳаракат қиласи.

Энду суғориш сувини тежаш жараёни қайси суғориш усули яхшироқ самарадор эканлигини аниқлаш учун бир нечта суғориш усулларини ер устидан суғориш усулига нисбатан солишириб кўрамиз.



Ёмғирлатиб сугориша сув бериш миқдори 20-25 % гача камаяди, эгат олинмайди.

Ер остидан сугориша сув бериш миқдори 25-30 % гача камаяди, эгат олинмайди.



Томчилатиб суғоришда сув бериш микдори одатдагидан 20-60 % гача камаяди, эгат олинмайди.

Натижалари: Демак бу маълумотдан ҳам қўришимиз мумкинки суғориш усувлари ичида ер устидан суғориш усулига нисбатан томчилатиб суғориш усули суғориш сувини 20-60% гача тежаш имконияти мавжуд экан.

Томчилатиб суғориши амалга ошириш хисобига минерал ўғитларнинг иқтисод қилиниши, тупроқнинг механик таркибининг бузилмаслиги ва тупроқни ортиқча намлантирилмаслиги хисобига экин турлари бўйича қандай самарадорликка эришиш мумкинлигини қўйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Экинларда томчилатиб суғориши қўллашнинг самараси.

Экин тури	Сув тежалиши, %	Мехнат сарфининг камайиши, %	Ҳосилдорлик ошиши, %
Пахта	30-40	50-60	90-150
Боғ-токзор	40-60	25-30	20-25
Сабзавот-полиз	50-55	50-60	55-65

Хуноса: Юқоридаги маълумотлардан шу нарсани англашимиз мумкинки Республикаизда сув танқислигининг олдини олишда, қўшимча ер майдонларини ўзлаштиришда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, ҳар бир гектар майдон улушкига тўғри келадиган ҳосилдорликни оширишда томчилатиб суғоришнинг роли катта экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2020 йил 16 сентябрь куни сув хўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқи.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ - 4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 26 октябрдаги ПҚ – 4499-сонли “Кишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизmlарини кенгайтириш чора-тадбирлари тоғрисида”ги қарори. www.lex.uz

4. www.google.py